

Ўзбекистон Республикаси
Кашкадарё вилояти
МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ ШАКЛИДАГИ
"AUDIT-HISOB MARKAZI"
АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ

*Юридик манзил: Кашкадарё вилояти, Қарши шаҳри, 180100, Мустақиллик-2, тел. +99891-4603010
Лицензия: Аудиторлик фаолияти бўйича МВ нинг 2008 й. 14 мартдаги АФ №00376 рақамли лицензиясига эга.*

**“БУХОРОНЕФТЕГАЗАВТОНАҚЛ” АЖ нинг
2016 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботиغا
ИЖОБИЙ ФИКР БИЛДИРИЛГАН
АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ**

*Буюртмачи: “БУХОРОНЕФТЕГАЗАВТОНАҚЛ” АЖ.
Манзили: Бухоро вилояти, Когон шаҳри, Амиробод-4.
АЖ Бошқарув раиси: З.Ж.Салоҳиддинов.
СТИР рақами: 201 108 467. КТУТ коди 51121.*

Мен, МЧЖ «AUDIT-HISOB MARKAZI» аудиторлик ташкилоти (Кашкадарё вилояти, Қарши шаҳри, 7-миттитуман, 8/27-уйда жойлашган, СТИР рақами 203 798 660, ОКОНХ коди 84400, Банк: ТИФ Миллий банки Кашкадарё филиали, МФО коди 00150, Х/р. 20208000104153882001) директори (аудитор) Эргашева Зебо Эшмурадовна (аудитор малака сертификати рақами № 4364, МВ томонидан 11.06.2007 й. берилган) томонидан **“БУХОРОНЕФТЕГАЗАВТОНАҚЛ” АЖ** нинг баланс, молиявий натижалар тугрисидаги ҳисоботдан иборат 31.12.2016 йил ҳолатидаги молиявий ҳисоботининг ишончлилигини мажбурий аудиторлик текширувидан утказдим.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тугрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги утказилган утказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз **“БУХОРОНЕФТЕГАЗАВТОНАҚЛ” АЖ** нинг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан утказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тугрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ утказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб қурсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва утказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далиллари олишга йуналтирилган аудиторлик амалларини утказишни уз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тугрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради, деб ҳисоблаймиз.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча, **“БУХОРОНЕФТЕГАЗАВТОНАҚЛ” АЖ** нинг 2016 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний ақс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тугрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

Аудиторлик ташкилоти раҳбари, аудитор: -

2017 йил, 15 апрель



З.ЭРГАШЕВА